




International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

COPY RIGHT



ELSEVIER
SSRN

2020 IJIEMR. Personal use of this material is permitted. Permission from IJIEMR must be obtained for all other uses, in any current or future media, including reprinting/republishing this material for advertising or promotional purposes, creating new collective works, for resale or redistribution to servers or lists, or reuse of any copyrighted component of this work in other works. No Reprint should be done to this paper, all copy right is authenticated to Paper Authors

IJIEMR Transactions, online available on 22nd Dec 2020. Link

<http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-12>

DOI: 10.48047/IJIEMR/V09/I12/68

Title: GLYCRRHIZA GLABRA L. ЎСИМЛИГИНИНГ БИОЛОГИЯСИ

Volume 09, Issue 12, Pages: 368-371

Paper Authors

Фозилов Шерзод Мусурмонович



USE THIS BARCODE TO ACCESS YOUR ONLINE PAPER

To Secure Your Paper As Per **UGC Guidelines** We Are Providing A Electronic Bar Code



GLYCYRRHIZA GLABRA L. ЎСИМЛИГИНинг БИОЛОГИЯСИ

Фозилов Шерзод Мусурмонович

Термиз давлат университети, Ботаника кафедраси ўқитувчиси

Мамлакатимизда шифобаҳш гиёҳлар ўсадиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Бўстонлик, Охангарон, Зомин, Бахмал, Фориш, Ургут, Китоб, Яккабоғ, Қамаши, Дехқонобод, Бойсун, Узун, Сариосиё туманларида доривор ўсимликлар етишириш кенг йўлга кўйилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, шифобаҳш хусусиятларга эга бўлган ўсимликлар хасталикларни самарали даволашда инсон организми учун фойдали. Қолаверса, ўзимизда етиширилиши ишончли ва арzon. Бундан ташқари, уларга хорижда талаб юқорилиги учун экспорт қилиш имконияти мавжуд. Замонавий табобатда ҳам бу ўсимликнинг ўрни беқиёс бўлиб, фармацевтика саноати корхоналарида қайта ишланиб турли хил дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда [3,4,5]. Шу билан бирга кўпгина доривор йиғмаларнинг асосий таркибий қисмларидан биридир.

Силлик ширинмия - *Glycyrrhiza glabra* систематик ўрнига кўра *Fabaceae* Lindl - бурчоқдошлар оиласи *Glycyrrhiza* L. туркумига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлиkdir [2].

Силлик ширинмия типик фреатофит бўлиб, у табиатда ер ости сувлари яқин, кам шурланган тупроқли ерларда кўпроқ учрайди . Унинг илдизлари ер қатламига 5-7 метр кириб

борганлиги сабабли анча чуқурда жойлашган ер ости сувларидан хам фойдаланади. Силлик ширинмия полиморф ўсимлик бўлиб, экологик яшаш шароитига қараб турли кўринишда бўлади.

Ўрта Осиё ва Қозогистон, Кавказ, Волга ва Дон, Днепр дарёлари хавзаларида ўсуви *G. glabra* L. нинг 30 га якин формалари табиий, ҳамда маданий шароитда ўрганилиб, уларнинг морфологик белгилари турли экологик шароитларида сақланиб қолиш хусусиятларига эга эканлиги аниқланди [1].

Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг энг жанубий қисмida жойлашган. У айни бир пайтда Ўрта Осиёнинг ҳам жанубий қисмida жойлашган бўлиб, унинг ҳудуди қуруқ субтропик иқлимий минтақага тўғри келади. Вилоят ҳудудини $37^{\circ}10' - 39^{\circ}02'$ шимолий кенглик ва $66^{\circ}32' - 68^{\circ}25'$ шарқий узоқлик чизиқлари кесиб ўтади [3,4,5].

Бу ўсимлик шўр тупроқли чўлларда, чўллардаги ариқ, канал ва дарё бўйларида, бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади. Республикамизнинг чўл ва ярим чўл туманларида, Амударё ва Сирдарё бўйларида кенг тарқалган.

Ширинмия кўпинча Ўрта Осиёнинг адир ва чала чўл туманларининг дарёлари водийлари бўйлаб тарқалган. У учрайдиган жойларнинг ўзига хос хусусияти бу – ер



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

ости сувларининг нисбатан баланд даражаси ва баҳорги-ёзги даврда вақтингчалик сув босиши. Шу билан бирга ширинмия қуриб қолган дарё қирғоқларида, кам сувли сойлар, ариқ ва канал бўйларида ҳам ўсади. Экинлар орасида бегона ўт сифатида ҳам учрайди.

Ботаник хусусиятлари. Оддий қизилмия кўп йиллик, бўйи 50-100 см га етадиган, ер ости қисми кучли тарақкий этган ўсимлик. Илдизпояси кўп бошли, калта, йўғон бўлиб, ҳамма томонидан ер остида горизонтал жойлашган, учки куртак билан тамомланувчи новдалар ва пастга қараб битта асосий вертикал ўқ илдиз ўсиб чиққан. Асосий ўқ илдизнинг узунлиги 4-5 м болади. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, шохланмаган ёки кам шохланган, тукли бўлиб, майда нуқтасимон безлар ёки тиканлар билан қопланган. Барги тоқ патли, мураккаб, 3-7 жуфт баргчалардан ташкил топган. Баргча эллипссимон, чўзиқ-тухумсимон ёки лансетсимон, текис қиррали, ёпишқоқ безлар билан қопланган. Кўшимча барглари майда ланцетсимон бўлиб, тўкилиб кетади. Гуллари қийшиқ, барг қўлтиғидан чиққан шингилга тўпланган. Гулкосачаси найчасимон, 5 та ланцетсимин, ўткир тишли, гултожиси оқиш бинафша рангли, капалакгулдошларга хос тузилган. Чангчи гули 10 та, 9 таси бир-бири билан бирлашган, оналик тугуни юқорига жойлашган. Меваси пишганда очилмайдиган ёки пояси қуригандан сўнг очиладиган дуккак кўринишида бўлади.

G. glabra Ўрта ер денгизининг тури бўлиб, кенг ареалга эга. Ўртаер денгизининг шимолий соҳилида ёппасига учраб, бундан ташқари Испания, Арабистон ярим ороли, Эрон, Афғонистон, Балхаш кўли,

Жунгариягача боради. Жанубий-шарқда унинг ареали Амударё, Панж, Норин, Или, Кашиғар соҳилларидан ўтади. Фақат Коракум ва Кизилқумдаги катта қум массивларидан ташқари Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг барча дарё соҳилларидан, ариқ, кул, канал, сув омборлари буйларида, кучги тоғ ёнбағирларида, ташландик ерларда, экинлар орасида денгиз сатҳидан 250 метрдан 2000 метр баландликкача учрайдиган ва экологик диапозони кенг, ишлатилиши кўп қиррали бўлган, касалликка чалинмайдиган [6] ўта фойдали ўсимлиkdir.

Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) - бурчоқдошлар (*Fabaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Теофраст ўз асаларида бу ўсимликни солодковий корень, скифская трава, понтийская трава номи билан атаган. Мазкур ўсимликни рус тилида -солодка голая, ўзбек тилида -ширинмия, чучумия, қизилмия, Қорақалпоғистон автоном республикасида эса бўян деб аташади. Ширинмиянинг тарқалиш ареали жуда кенг бўлиб, сибиқ иттифоқнинг Европа қисмида, Крим, Кавказ, Сибир, Кичик Осиё, Эрон, Афғонистон, Шимолий Африкада тарқалган.

Республикамиз худудида ширинмия типик тўқай ўсимлиги ҳисобланиб, асосан Сирдарё ва Амударёнинг қуи қисмларида учрайди. Ширинмия поликарп ўт ўсимлик, поялари яхши ривожланган бўлиб, цилиндрсимон тузилишга эга. Поя ёғочланган бўлиб баландлиги 150-160 см, баъзан унинг баландлиги тўқай шароитларда 200 см ва ундан ҳам ортади. Шўрланган тупроқ шароитида бу кўрсаткичлар 50-70 см атрофида қайд этилади. Барглари мураккаб тузилишга



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

эга. 4-8 жуфт баргчалардан иборат бўлиб, пояларда кетма-кет жойлашган. Барг узунлиги 11-18см, баргчалари тухумсимон, эллипссимон, атрофлари бутун, тукланган, узунлиги- 5см, кенглиги-2,5см ни ташкил этади. Гуллари оқ бинафша рангли, чангчилари йирик, оғир. Кучли нектар ажратучи бўлганлиги сабабли асалари ва бошқа ҳашоротларни ўзига жалб қиласди. Ширинмиянинг ер устки қисми ҳайвонлар учун тўйимли озуқа сифатида фойдаланилади. Поя таркибида 11-18% протеин, 10-15% оқсиллар, 3.3-9.1% ёғ ва бошқа фойдали бирикмалар мавжуд. Ер остки қисми пўстлоғи жигар рангли илдиз ва илдиз поялардан иборат бўлиб, узунлиги 180-200см атрофида қайд этилади. Илдиз ва илдиз пояларида глицеризин кислотасининг микдори-3-24%, глюкоза-8%, сахароза-11%, крахмал-34%, клетчатка-24% ни ташкил қиласди. Сувда экстракцияга учрайдигин моддаларнинг микдори- 43% га этади.

Ширинмия ўсимлиги асосан уч хил усул билан, уруғидан, илдиз пояларидан ва кўчкат етишириш орқали кўпайтирилади. Биринчи усул- уруғ сепиш билан амалга оширилади. Бунинг учун агротехникиси тўғри йўлга кўйилган, кузда яхшилаш шудгорланган, бегона ўтдан тозаланган, молаланган, чизелланган, текисланган майдонларни танланиши талаб этилади. Тайёрланган майдонларга оралиғи 70 см қилиниб эгатлар олинади ва уруғлар 1-3см чуқурликда экилади. Уруғ экишни куз ва эрта баҳор ойларида механизация ёрдамида амалга ошириш мумкин. Гектар ҳисобида 4-5кг уруғ экилади. Уруғ экилгандан сўнг, майдон суғорилади ва майса ҳосил бўлгунга қадар тупроқ юза қатлами нам ҳолатда сақланиб туриши

талаб этилади. Тупроқ ҳарорати 10⁰С дан ошиши билан майсаларнинг униб чиқиши кузатилади. Майсалар асосан 20-25см га етиши билан қатор ораларига ишлов берилади. Вегетация давомида ўсимлик майдони 8-10 маротаба суғорилади. Ҳар 2-3 маротаба суғоришдан сўнг культивация ўтказилади ва қатор оралиғига кетмон билан ишлов берилади ҳамда парваришиланади. Аммо, шўр ерларда (1,5-2,0%) уруғ унувланигининг анчагини пастлигини инобатга олинса, ширинмия уруғини кўкартириб саноат аҳамиятига эга бўлган экин майдонларини барпо этиб бўлмайди. Иккинчи усул-илдиз поялардан кўпайтирилади. Бу усулда ўсимлик хом-ашёси яъни, илдиз поялари майдонлардан ковлаб олинади. Ўткир тиғли мосламалар ёрдамида 10-15см узунликда илдиз поя қаламчалари қирқиб тайёрланади. Гектар ҳисобида 2000-3000кг илдиз пояларни сарфланиши тавсия этилади. Олдиндан тайёрланган ва агротехникиси тўғри йўлга кўйилган майдонларга оралиғи 90см қилиб эгатлар олинади ва 5-8см чуқурликда илдиз поялар механизация ёрдамида экилади. Бу жараён ҳам куз ва эрта баҳор ойларида амалга оширилади. Тупроқ намлигини эътиборга олган ҳолда илдиз поя экилган майдони тез-тез суғориб, тупроқда намлики сақлаб туриш самарали натижа беради. Экилган майдонларда ўсимлик ҳолатига қараб агротехник чора- тадбирлар амалга оширилади ва 1-йили 6-8 марта (вегетация давомида) суғорилади ҳамда парвариши қилинади. Ўсимлик вегетациясининг 2- йилидан бошлаб суғориш меъёри тупроқ шароитига қараб камайтириб борилади. Саноат аҳамиятига эга бўлган катта экин майдонларини



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

барпо этишда асосан шу усул самарали натижаберади. Бироқ, бу усул билан кўпайтирилганда, 1 га майдонга 2000-3000кг қимматли хом-ашё сарфланади. Учинчи усул-бунда аввал бўз тупроқда уругни экиб, улардан кўчатетиштириш, сўнгра уни шўр тупроқли ерларга кўчириб ўтказиш орқали амалга оширилади. Жумладан бир вегетация даврини ўтаган кўчатлар шўр тупроқларга кўчириб ўтказилганда, уларнинг ўсиб ривожланиши ва сақланиши 70-80% ташкил қиласиди. Вегетациянинг 4-5-йилидан бошлаб хом-ашё этилади. Саноат аҳамиятига эга булган хом-ашё илдиз ва илдизпоялардан иборат бўлиб, пўстлоғи жигар рангли, ички қисми тўқ сарик рангли ўзига хос хид ва ўта ширин таъмга эгадир. Гектаридан 8-10т давлат стандарт талабларига мос келадиган ер остки қисми ва хўл ҳолатда 20-25 т тўйимли озуқабоб ем-хашак маҳсулотларини этиштириш мумкин. Ўсимликнинг ер остки қисми асосан 0-50 см чукурликдан қазиб олинади, тупроқлардан тозаланиб куритилади. Маҳсус механизмлар ёрдамида зичлаб боғланади ва устига ёрлиқ ёпиштирилиб хом-ашё қуруқ омборхоналарда сақланади. Сақланиш муддати 3 йил. Шундай қилиб, қимматли хом-ашё ўсимлиги ҳисобланмиш ширинмия экин майдонларини барпо этишда илдизпоя ва кўчат усулларини кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Ашурметов О.А., Каршибаев Х.К. Репродуктивная биология солодки и раздельнолодочника.– Ташкент, Фан, 1995.–212 с.
2. Begmatov A.M., Rakmatova M.U. “Bioecological features of *Glycyrrhiza L.*” // Modern research and development, no. 3

- (20). Moscow, 2018. –S. 110-113.
3. Begmatov A. M., Sattarov A.S. Bioecological properties of *Stevia rebaudiana* Bertoni in introduction conditions. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. Volume 2 Issue 10, 2020. -P. 63-68.
4. Sattarov A.S., Begmatov A. M. Bioecology of *melissa officinalis* plant In Introduction conditions. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. Volume 2 Issue 10, 2020. -P. 69-73.
5. Begmatov A. M., Rakmatova M.U. Bioecological properties of *Helianthus tuberosus* in introduction Conditions. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. Volume 2 Issue 11, 2020. -P. 82-85.
6. Sherqulova J.P., Mustafaev I.M., Iminova M.M., Sattarov A.S. Species, host range and geographical distribution of microfungi (dothideomycetes) on introduced trees and shrubs in southern Uzbekistan. Iranian journal of botany, 25 (1), 2019. DQI; 10.22092. ijb.2019.115956.1187. –P. 72-77.